

“O’ZBEKISTON
RESPUBLIKASI TASHQI
IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI



АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
“НАЦИОНАЛЬНЫЙ БАНК
ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН”

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИНинг

12–сонли баёни

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шахри, Амир Темур шох кўчаси, 101-үй.

2022 йил “17” январ
Иш вақти: 09:30 – 10.50

Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари қуидаги таркибда тузилди.

Йиғилиши Раёсати: М.Норгитов, Ж. Абдушукуров.

Йиғилиши котиби: А. Халитов.

Саноқ комиссияси: А. Халитов, Д.Мирзаев, Д.Мўминов.

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзмилийбанк” АЖ нинг 2020 йил учун соф фойдасини тақсимлаш.
2. 2021 йил якуни бўйича режалаштирилган соф фойдани тўлиқ банк капиталини оширишга йўналтириш.
3. Кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.
4. “Ўзмилийбанк” АЖ устав капиталини ошириш ва банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
5. “Ўзмилийбанк” АЖ 2021 йил якунлари бўйича МХХСга мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий хисботининг мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида.
6. Банк Кузатув кенгаши азолари ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган мустақил аъзоларига мукофот тўловларини миқдорларини белгилаш.

“Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда – Ўзмиллийбанк) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмати бошлиғи Норгитов Мухитдин Журабоевич раислик қилди. Шунингдек йиғилишни очиб берди ва қуидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 24.12.2021 йилдаги 46-сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда Ўзмиллийбанкнинг Уставига мувофиқ, Ўзмиллийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 17.01.2022 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йигилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги ҳабар 2021 йил 27 декабрда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида шунингдек 2021 йил 29 декабрда “Ҳалқ сўзи” газетасининг 279-сонида ва 2021 йил 30 декабрдаги “Нородное слово” газетасининг 265-сонида жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“е-хат” орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2022 йил 11 январ куни этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 27 декабр ҳолатига шакллантирилган.

2021 йил 27 декабр ҳолатига банкнинг устав капитали 12 209 350 962 000 (*Ўн икки триллион икки юз тўққиз миллиард уч юз эллик миллион тўққиз юз олтмииш икки минг*) сўмни ташкил қиласи ва у 12 209 350 962 (*Ўн икки миллиард икки юз тўққиз миллион уч юз эллик минг тўққиз юз олтмииш икки*) дона номинал қиймати 1000 (минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қиласи.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз саноқ комиссияси раиси – Анвар Халитовга берилди.

Ўзмиллийбанк акциядорларнинг реестрига кўра, саноқ комиссияси томонидан 2021 йил 27 декабр ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга **12 209 350 962** (*Ўн икки миллиард икки юз тўққиз миллион*

уч юз эллик минг тўққиз юз олтмиши икки дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – **4 972 047 182** (*Тўрт миллиард тўққиз юз етмииш икки миллион қирқ етти минг бир юз саксон икки*) дона (40,72%) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **7 237 303 780** (*Етти миллиард икки юз ўттиз етти миллион уч юз минг етти юз саксон*) дона (59,28%) оддий акцияларга эгалик қиласди.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Саноқ комиссия йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 12 209 350 962 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик килувчи 2 нафар акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум килди.

Йиғилишга раислик қилувчи М. Норгитов Ўзмилийбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишида банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари, иштирок этажтганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибиға қуйидаги масала киритилган:

1. “Ўзмилийбанк” АЖ нинг 2020 йил учун соф фойдасини тақсимлаш.
2. 2021 йил якуни бўйича режалаштирилган соф фойдани тўлиқ банк капиталини оширишга йўналтириш.
3. Кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.
4. Ўзмилийбанк” АЖ устав капиталини ошириш ва банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
5. “Ўзмилийбанк” АЖ 2021 йил яқунлари бўйича МХХСга мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисботининг мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида.
6. Банк Кузатув кенгаши азолари ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган мустақил аъзоларига мукофот тўловларини миқдорларини белгилаш.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қўйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қўйидаги регламент ўрнатилди:

- маърузалар бўйича муҳокомага – 40 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 30 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги **биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан** Ўзмиллийбанк Бошқарув раиси А.К.Мирсоатов сўзга чиқиб қўйдагиларни таъкидлади, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни талаблари, Марказий банкнинг 2021 йил 9 апрелдаги 19-20/32 хдфу-сонли хатида келтирилган тавсияларига асосан, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда “McKinsey & company” консалтинг ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Ўзмиллийбанкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган узок муддатли ривожланиш стратегияси ва банк фаолиятини трансформация қилиш дастурида белгиланган режалардан келиб чиқиб, банк акциядорларининг 2021 йил 22 майдаги йиллик умумий йиғилиши 8-сонли баёнининг 3-бандида келтирилган (*банкнинг 2020 йил учун молиявий хўжалик фаолияти натижаларига кўра соф фойдани тақсимлаш масаласи*) тақсимланмаган фойда ҳисобрақамида қолдирилган 512 178 192 631,58 сўмни ва 2021 йил якунлари бўйича олинадиган соф фойдани тўлиқ акциядорларнинг банк капиталидаги улушини оширишга йўналтириш мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Бунда Банк акциядорлари ўртасида соф фойдани тақсимлаш учун – **512 178 192 631,58 сўм**, шу жумладан, Банк устав капиталида акциядорлар улушини оширишга (*қўшимча акциялар чиқариши орқали*) – **486 569 283 000,0 сўм**, солик тўловлари учун – **25 608 909 631,58 сўм** йўналтирилади.

Кун тартибидаги **учинчи масала** – Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, Банк қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ва акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш бўйича банкни Стратегик ривожлентириш департаменти директори У.Рахимбердиев батафсил тушунтириб ўтди.

Шунга кўра, қўйидагича қарор қабул қилиш таклиф этилди:

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 486 569 283 (тўрт юз саксон олти миллион беш юз олтмиш тўққиз минг икки юз саксон уч) дона умумий қиймати 486 569 283 000 (тўрт юз саксон олти миллиард беш юз олтмиш тўққиз миллион икки юз саксон уч минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қўйидагича белгилансин:

Ўзмиллийбанкнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қўйидагича белгилансин:

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 288 422 350 (*Икки юз саксон саккиз миллион тўрт юз ийгирма икки минг уч юз эллик*) дона ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 198 146 933 (*Бир юз тўқсон саккиз миллион бир қирқ олти минг тўққиз юз ўттиз уч*) дона жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилиши белгиланган акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-хуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (минг) сўмдан жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисобланган дивиденд ҳисобидан амалга оширилади;

➤ ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.



Кун тартиbidаги **тўртинчи масала** бўйича банкни Стратегик ривожлантириш департаменти директори У.Рахимбердиев, бугунги кун тартиbidаги биринчи масалада кўриб чиқилган банкнинг 2020 йил учун молиявий хўжалик фаолияти натижаларига кўра **486 569 283 000,0 сўм** миқдоридаги соф фойдасини қўшимча акциялар чиқариш орқали устав жамғармасини оширишга қаратилганлигини инобатга олиб, Ўзмиллийбанк уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиши кераклигини таъкидлаб ўтилди.

Кун тартиbidаги **бешинчи масала** юзасидан Банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи департаменти директори, Бош бухгалтер Б.Рихсиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонунларига асосан банкларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши белгиланганлиги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки» акциядорлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича МХХСга мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисоботини текшириш учун аудиторлик ташкилотини танлаш тартиби амалга оширилганлигини қайд этди (Харидларни амалга ошириш комиссиясининг 2021 йил 13 декабдаги 246/2021-сонли баёни). Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотига тўланадиган тўлов микдори – 4,144,000,000 (тўрт миллиард бир юз қирқ тўрт миллион) сўм ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан банкни Стратегик ривожлантириш департаменти директори У.Рахимбердиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги ҳамда 2021 йил 12 октябрдаги хатларига тўхталиб ўтилди. Унга қўра Банк кузатув кенгаши азолари ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган мустақил аъзоларини мукофот тўловларини микдорларини белгилаш жараёнини шаффофлаштириш, ягона чегарасини ўрнатиш ҳамда давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг мурожаатларини инобатга олиб рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиши кераклиги айтилди.

Молия Вазирлигининг тафсиясига қўра кузатув кенгашларидағи давлат органлари вакилларининг рағбатлантириш тўловларининг энг кўп микдори йиллик 300 (уч юз) МХТЭКМ (мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдори хозирги кунда даражасидан ошмаслиги лозимлиги такидланган.

Кузатув кенгашларидағи норезидент мустақил аъзоларининг мукофот пулларининг микдори ягона меъёр ўрнатилиши маъқулланган бўлиб, банк активларининг микдорига қараб рағбатлантиришнинг чегараси ўрнатилган.

Жумладан **50,0 трлн. сўмдан ортиқ** активлари мавжуд бўлган банклар кузатув кенгашларида норезидент мустақил аъзоларнинг ҳар бирига рағбатлантириш тўловларининг энг кўп микдори **60 минг АҚШ долларидан ошмаслиги** белгиланган.

Бундан ташқари, норезидент мустақил аъзо кузатув кенгашларида раиси этиб сайланганлиги учун умумий рағбатлантириш тўлови микдоридан **20%** гача, раис ўринбосари этиб сайланганлиги учун **10%** гача ва кузатув кенгашлари

қошидаги қўмиталарда аъзолиги учун **10%** гача қўшимча тўловларни амалга ошириш имконияти яратилиши мақсадга мувофиқлиги такидлаб ўтилган.

Кун тартибига киритилган масала атрофлича мухокама қилиниб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банкнинг акциядорларининг 2021 йил 22 майдаги йиллик умумий йиғилиши 8-сонли баёни билан тасдиқланган, акциядорлар ўртасида тақсимлаш учун ажратилган **512 178 192 631,58** сўм микдоридаги соф фойдасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк акциядорларининг тегишли кўрсатмаси берилгунга қадар банкнинг тақсимланмаган фойда хисоб рақамларида қолдирилиши бўйича қарор қабул қилинган эди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банк устав капиталида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Молия вазирлиги улушларини мос равиша оширишга (қўшимча акциялар чиқариш орқали) – **486 569 283 000,0** сўм ва солиқ тўловлари учун – **25 608 909 631,58** сўм йўналтирилсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” - 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

2. Банкнинг 2021 йил учун олинган соф фойдаси ташқи аудит хulosаси олингандан сўнг навбатдаги йиғилишда кўриб чиқилади.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” - 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

3. “Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган **486 569 283** (тўрт юз саксон олти миллион беш юз олтмиш тўққиз минг икки юз саксон уч) дона умумий қиймати **486 569 283 000** (тўрт юз саксон олти миллиард беш юз олтмиш тўққиз миллион икки юз саксон уч минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуидаги белгилансин:

Ўзмиллийбанкнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қўйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 288 422 350 (*Икки юз саксон саккиз миллион тўрт юз йигирма икки минг уч юз эллик*) дона ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 198 146 933 (*Бир юз тўқсон саккиз миллион бир қирқ олти минг тўққиз юз ўттиз уч*) дона жойлаштирилади;
- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида жойлаштирилади;
- ушбу чиқарилиши белгиланган акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-хуқукий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;
- ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (минг) сўмдан жойлаштирилади;
- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисобланган дивиденд ҳисобидан амалга оширилади;
- ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” - 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

4. “Ўзмиллийбанк” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори тасдиқлансин ва акциядорлик жамиятининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлик масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш ва акциялар чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Банк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” - 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

5. Ўзмиллийбанкнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисботининг

Йиллик аудитини ўтказиш мақсадида «Ernst & Young» МЧЖ халқаро аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузишга розилик берилсін.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” - 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

6. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти “Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби” тўғрисидаги Низом илова мувофиқ тасдиқлансан.

6.1. Ўзмиллийбанкнинг акциядорларининг 2020 йил 7 февралдаги 2-сонли навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўринни қоплаш ҳаки ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида низом ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

Овоз берилди: 12 209 350 962 овоз.

“Ёқлайман” - 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

**Ўзмиллийбанк акциядорларининг
Навбатдан ташқари йиғилиши раиси**



М.Ж. Норгитов

**Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**



А.Ю. Халитов